



«FINANCE AUDIT» MCHJ

auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Навоий шохқучаси 35 уй, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк Анд вилояти булими, MFO: 00074, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20 , email: [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru) Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

## МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2022 йил 25 май

“Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ

Рахбариятига

Жамиятнинг манзили ва банк реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон тумани, Гулобод шаҳарчаси, АТБ “Агробанк” Андижон тумани булими, ИНН: 200258076, МФО № 00062, X/p 20210000300282239001

Биз “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ нинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия балансидан, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида фойда ва заарлар тўғрисида хисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисоботлар “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ рахбарияти томонидан БХМС ва Бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга асосан тайёрланган .

### Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни БХМС ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузуб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузуб

кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳақоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослиигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

### **Фикр**

Бизнинг фикримизча, “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 31 декабр холати учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда БХМС ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрланган.

**МЧЖ “FINANCE AUDIT”  
аудиторлик ташкилоти аудитори:**

**У.Рахмонова**

